

## ЭКОТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҚШ ТАЖРИБАСИ

*Қодиров Азизжон Анварович*  
*БухДУ тадқиқотчиси*

АҚШнинг Халқаро экотуризм жамияти (TIES)<sup>1</sup> эксперлари томонидан мамлакат экотуристлари ўртасида ҳар йили экотуризм мақсадларини ўрганиш бўйича сўровномалар ўтказиб борилади. Бу турдаги сўровномалар туристик хизмат кўрсатувчи компаниялар томонидан экотуристик пакетларни сотиш жараёнида амалга оширилади. Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, АҚШлик экотуристларнинг салмоқли қисми табиий паркларга боришни (55,8 фоиз), табиат бўйлаб пиёда сайр қилишни (55,0 фоиз), махсус кўриқланадиган ҳудудларга боришни (47,8 фоиз), ёввойи ҳайвонот дунёсини кузатиш (45,8 фоиз) ва табиат бўйлаб саёҳат уюштиришни (37,1 фоиз) афзал кўрадилар (1-расмга қаранг). Ушбу ҳолат АҚШ экотуристларининг соғ табиатдан баҳраманд бўлиш ва уни ўрганиш иштиёқи юқори эканлигидан далолат беради.



**1-расм. АҚШ экотуристларининг экотуризм мақсади бўйича экотуристик хизматлардан фойдаланишга бўлган иштиёқи, фоизда<sup>2</sup>**

АҚШ жаҳонда бошқа мамлакатларга чиқувчи экотуристлар сони бўйича етакчи ўринни эгаллаши билан биргаликда, экотуризм салоҳиятининг юқори даражада эканлиги билан ҳам ажralиб туради. АҚШда кўриқланадиган табиий ҳудудлар жами мамлакат ҳудудларга 10 фоизини ташкил этиб, ушбу ҳудудларга махаллий ва хорижий экотуристларнинг оқими

<sup>1</sup> The International Ecotourism Society. <https://ecotourism.org/>

<sup>2</sup> Бочкарева Т.В. Экотуризм: анализ существующего международного опыта. [Электронный ресурс] – URL: [https://tourlib.net/statti\\_tourism/bochkareva.htm](https://tourlib.net/statti_tourism/bochkareva.htm)

2023: International Conference on Agriculture Sciences, Environment, Urban and Rural Development (Morocco)  
<https://www.conferenceseries.info/index.php/morocco>

юқорилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларда миллий (ички) ва халқаро (ташқи) экотуризмни ривожлантириш масалаларига бирдек устуворлик қаратилиб, ҳар бир худуд кесимида минтақавий экотуризмни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурлар федерал экотуризмни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилади.<sup>3</sup> Шу билан биргаликда, АҚШ ҳиссасига халқаро экотуризм бозоридаги ялпи талабнинг 1/2 қисми тўғри келиб, мамлакатнинг халқаро даражада туристик хизматлар кўрсатиш ҳисобидан олаётган ялпи даромадининг 10 фоизи ички экотуристик хизматлар кўрсатиш ҳисобидан шакланади.<sup>4</sup> Ушбу ҳолат АҚШ экотуристик хизматлар бозорида ички ва ташқи экотуристик хизматлар кўрсатиш амалиёти юқори даражада ривожланган деган хulosага келиш имконини беради.

АҚШда 1872 йилда илк бор Иеллоустон миллий парки ташкил этилгандан бўён ёввойи табиатни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилиб келинаётган бўлиб, бугунги кунда улар федерал даражада экотуризмни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларининг таркибий қисми сифатида баҳоланади. АҚШ экотуризмни ривожлантириш бўйича юқори салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатда давлат ихтиёрида бўлган умумий майдони 280 минг км<sup>2</sup>га тенг бўлган 76 та табиий ёдгорликлар, 53 та ҳимояланадиган табиий ҳудудлар (боғлар, яшил ҳудудлар ва ҳ.к.), 12 та қўриқхоналар ва 10 та денгиз қўриқхоналари мавжуд. Шу билан биргаликда, мамлакат ҳудудида нодавлат қўриқхоналар тизимида мингдан зиёд экотуристик объектлар мавжудлиги аникланган.<sup>5</sup>

Шунингдек, «The Lonely Planet» дастури доирасида халқаро экотуристик хизматлар бозорида велотурни ташкил этиш бўйича АҚШнинг Виржиния штати етакчи ўринни эгаллаи. Маълумотларга кўра, ушбу ҳудудда ташкил этилган «Виржиния тоғлари бўйлаб велотур (Virginia Mountain Bike Trail)» штатнинг тоғли ерларида жойлашган «Blue Ridge» ирмоғи бўйлаб 770 км масофани велосипед ёрдамида саёҳат қилишга мўлжалланган бўлиб, ушбу экотуристик хизматдан фойдаланиш истагида бўлган экотуристлардан икки хафта вақтни талаб этади. Бу турдаги экотуристик хизматлардан илк бор фойдаланаётганлар учун Шенандоа водийси бўйлаб велотурлар ташкиллаштирилган.<sup>6</sup>

АҚШ экотуризмини ривожлантиришда Аляска штати муҳим ўрин эгаллаб, штат ҳудудий иқтисодиётида ушбу соҳа сердаромад бўлган минтақавий иқтисодиёт тармоқларидан хисобланади. Штатдаги Денали миллий боғида ёввойи ҳайвонот дунёсига тегишли бўлган катта бургутларнинг кўплаб турлари учраса, Уильямс бўғозига шерлар ва тюленларни кўриш мақсадида экотуристлар ташриф буорадилар. Жумладан, АҚШдаги энг йирик қўриқхоналардан бири хисобланган умумий майдони 78 минг км<sup>2</sup>га тенг бўлган Арктика миллий фаунистик қўриқхонаси Аляска штатида жойлашган бўлиб, у ерда бўз айқлар, Далл қўйлари, қушлар, буғулар, кийиклар, бўрилар, арктик тулкилардан ташкил топган 132 мингдан ортиқ турдаги ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишиш мумкин бўлади. Штатнинг тоғли ҳудудларида 900 минг гектар майдонда оламга машҳур Эллостоун миллий боғи ташкил этилган ва унинг ҳудудида 300 мингдан ортиқ иссиқ булоқлар, буғ оқимлари, иссиқ кўллар, лойли вулқонлар, гейзерлар мавжуд.

<sup>3</sup> Усенбаева Г.Ж., Шакирова Д.Н. Анализ развития экологического туризма в мире. [Электронный ресурс] – URL: <https://articlekz.com/article/13812>

<sup>4</sup> Экологический туризм в контексте регионального развития. [Электронный ресурс] – URL: <http://www.ecoedu.ru/index.php?r=10&id=22>

<sup>5</sup> Усенбаева Г.Ж., Шакирова Д.Н. Анализ развития экологического туризма в мире. [Электронный ресурс] – URL: <https://articlekz.com/article/13812>

<sup>6</sup> Лучшие направления для туризма в 2021 году по версии The Lonely Planet. [Электронный ресурс] – URL: <https://immigrantinvest.com/ru/insider/eco-tourism-2021/>

## 2023: International Conference on Agriculture Sciences, Environment, Urban and Rural Development (Morocco)

<https://www.conferenceseries.info/index.php/morocco>

Калифорния штати халқаро экотуристик хизматлар бозорида ўзининг узоқ йиллик дараҳтлар сақланиб қолган боғлари билан машхур бўлиб, штатда бу турдаги жами олтига миллий боғлар ташкил этилган. Жумладан, «Kings-Canyon» миллий боғида динозаврлар даврига мансуб бўлган 5-6 минг йил яшайдиган улкан дараҳтзорлар мавжуд. Шунингдек, «Yosemite» табиий-экологик миллий боғида «John Muir» йўли узунлиги 340 км.дан кам бўлмаган 750 га яқин экотуристик маршрутлар ташкил этилган.<sup>7</sup>

Халқаро экотуристик хизматлар бозори статистик маълумотлари таҳлилига кўра, Фарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари ахолиси экотуристик хизматларга бўлган талаб ҳажми бўйича етакчи ўринни эгаллайдилар. Шунингдек, Африка, Лотин Америкаси, Осиё, Австралия ва Океания мамлакатлари жаҳонда экотуристик оқим юқори бўлган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллайдилар. Таҳлилларга кўра, Африка, Жанубий Осиё ва Шимолий Америка мамлакатлари экотуристлари Лотин Америкаси, Кариб денгизи ва Тинч Океани минтақаси бўйлаб экотуристик хизматлардан фойдаланиш бўйича салмоқли улушга эга хисобланадилар.<sup>8</sup>

Таҳлилларга кўра, АҚШ экотуризмни ривожлантириш бўйича экотуристик ресурсларга бой мамлакат бўлганлиги сабабли ички ва ташқи экотуристик хизматлар кўрсатиш бўйича жаҳонда етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Шу билан биргаликда, АҚШда жаҳонда инновацион ривожланиш бўйича ҳам бошқа мамлакатларга нисбатан илғор бўлганлиги сабабли, кўрсатилаётган экотуристик хизматлар сифат жиҳатдан сезиларли даражада юқорилиги билан характерланади. Жумладан, АҚШ экотуристик хизматлар кўрсатиш бўйича жаҳонда табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича катта тажрибага эга хисобланади. Мамлакатимизнинг табиий-экологик ресурсларга бой мамлакат эканлигини инобатга олган ҳолда, АҚШ амалиётидан миллий экотуризм соҳасини ривожлантиришда ижодий фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. The International Ecotourism Society. <https://ecotourism.org/>
2. Бочкарева Т.В. Экотуризм: анализ существующего международного опыта. [Электронный ресурс] – URL: [https://tourlib.net/statti\\_tourism/bochkareva.htm](https://tourlib.net/statti_tourism/bochkareva.htm)
3. Усенбаева Г.Ж., Шакирова Д.Н. Анализ развития экологического туризма в мире. [Электронный ресурс] – URL: <https://articlekz.com/article/13812>
4. Экологический туризм в контексте регионального развития. [Электронный ресурс] – URL: <http://www.ecoedu.ru/index.php?r=10&id=22>
5. Лучшие направления для туризма в 2021 году по версии The Lonely Planet. [Электронный ресурс] – URL: <https://immigrantinvest.com/ru/insider/eco-tourism-2021/>

<sup>7</sup> Усенбаева Г.Ж., Шакирова Д.Н. Анализ развития экологического туризма в мире. [Электронный ресурс] – URL: <https://articlekz.com/article/13812>

<sup>8</sup> Усенбаева Г.Ж., Шакирова Д.Н. Анализ развития экологического туризма в мире. [Электронный ресурс] – URL: <https://articlekz.com/article/13812>